

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ИЖТИМОЙ ФАҢЛАР

“ОИЛА ВА МАҲАЛЛА: АХЛОҚ-ОДОБ ТАРБИЯ ЎҚОҒИ”

мавзусидаги

РЕФЕРАТ

Бажарди: доцент Г.Машарипова

Тошкент- 2016

ОИЛА ВА МАҲАЛЛА: АХЛОҚ-ОДОБ ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

РЕЖА:

1. Никоҳ ва унинг моҳиятан ахлоқий муносабат экани.
2. Одоб-ахлоқ тарбиясида маҳалланинг ўрни

НИКОҲ ВА УНИНГ МОҲИЯТАН АХЛОҚИЙ МУНОСАБАТ ЭКАНИ.

Ижтимоий кичик организм, жамоача бўлган оила - жамият тараққиётида муҳим роль ўйнайди, кишилиқ уруғи ва авлодни давомлигини таъминлайди.

Оилада инсон тарбияланади, вояга етади, шахсга айланади. Оилавий ҳаётнинг негизи ҳам, мезони, кўрсаткичи ҳам оила аъзоларининг ўзаро муносабатдаги олий кўриниш бўлган севги, иноқлик, меҳр – оқибатдир.

Эр-хотин севги, никоҳ, ахлоқий ҳуқуқий нормалар орқали бирлашади, оила қуради, бола тарбиялайди. Албатта никоҳлар келишув, ота-она розилиги ёрдамида ва ҳақиқий севги асосида ташкил топса олам гулистон.

1. Гуруҳий никоҳ - оила, бетартиб жинсий алоқа.
2. Моногамия жуфт оила - қулдорлик даврида вужудга келган.
3. Ҳозирги тенглик, севги асосида оила ва никоҳ.

И.Каримов айтганидек, тенглик, эркинлик асосида, ҳақиқий севги негизида, шарқона соғлом оила, соғлом авлодни тарбияловчи оилани ташкил этишимиз лозим. Шунда мақсад қилган оила, мустақил миллий оила яъни жамиятнинг таянч ячейкаси, мустаҳкам жамоасига айланади.

Ўзбекистонда оилага, аёлларга, болалар тарбиясига катта эътибор берилмоқда. Соғлом авлодни тарбиялаш учун соғлом онанинг бўлиши жамият келажакини белгилайди. Шунинг учун ҳукумат, хусусан юртбошимиз оилага, аёлларга умуман мамлакатда сиҳат-саломатлик соҳасига катта эътибор бериб, буни давлат сиёсатининг муҳим вазифаси даражасига кўтарилмоқда.

Оилада бола тарбияланар экан, юртимизда мавжуд 4 миллион оилада соғлом муҳит яратиш, болага бурч, масъулият, ҳурмат туйғу ва тасаввурларини тўғри шакллантириш долзарб вазифадир. Аҳолининг қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил этган ва Орол муаммоси кўндаланг турган ҳозирги Ўзбекистонда бу ўта масъулиятли масаладир.

Одобли меҳнатсевар, ватанпарвар, эстетик дидли, маънавияти юксак ёшларни тарбиялаш оилага, у ердаги муҳитга, умуман жамиятга адолат, тенглик, ўзаро иноқлик, ғамхўрликни таъминлаш, мавжуд қилишга боғлиқ. Ўзбек оиласи шариат, ислом аҳкомлари, қоидаларига амал этилади, шунингдек ҳозирги замон фанлари тавсияси, ютуқларидан ҳам фойдаланиб фаолият юритади. Ёшларни оила қуришдан аввал тиббий кўригдан ўтиши ҳақидаги давлат сиёсати ўта долзарб ва муҳимдир. Давлат оила мустаҳкам бўлиши учун алоҳида ғамхўрлик қилиб махсус қонун қабул қилди.

Хусусан, шахсан юртбошимиз бу соҳага эътибор бериб, дабдабали тўй ўтказиш ўрнига ёшларга шароит яратиб бериш лозимлигини қайд этмоқда. Талаб этиш, қизни розилигисиз эрга бериш, қариндошлар куда бўлиши одатлари аста-секин тугаб бормоқда.

Президентимиз бола учун ота-она учун бола масъул, бурчли бўлиши лозимлигини, бу ўзбек халқининг азалий, ахлоқий фазилати эканлигини фахр билан қайд этмоқда. Дарҳақиқат, катта-катта тўйлар, эскича маросимлар ўрнига ёшларга тарбия, яхши касб-ҳунар бериш, уларни соғлом, баркамол қилиб ўстириш ҳозирги долзарб вазифадир.

Оилани фуқаролик жамиятининг, давлатнинг энг муҳим хужайраси дейишади. Чунки ҳар бир жамият аъзосининг, бўлажак фуқаронинг тарбияси оиладан бошланади. Оила уч жиҳатни: ўзининг бевосита кўриниши бўлмиш никоҳни; оилавий мулк ва анжомлар ҳамда улар ҳақидаги ғамхўрликни; болалар тарбиясини ўз ичига олади:

Аввало никоҳ ҳақида тўхталиб ўтайлик. Қонунга биноан никоҳ тузиш шартларидан энг муҳимлари – никоҳга кирувчиларнинг ўзаро розилиги ва уларнинг никоҳ ёшига етганликлари. Бизда йигитлар-18, қизлар-17-никоҳ

ёшлари қилиб белгиланган. Никоҳ тузишдан олдин икки ёш орасида гоҳ очик севги-мунтазам учрашувлар, аҳду-паймонлар ва орқа варотдан бир-бирини ёктириш бўлиши мумкин. Ҳар иккала аҳволда ҳам розилик ўзгармас шарт ҳисобланади.

Муҳаммад Алайҳиссалом уйларига совчи келганда қизлари Фотимадан доимо розилик сўраганлар ва рад жавоби олганлар. Фақат Ҳазрат Али совчи кўйганларида Биби Фотима розилик берганлар. Демак, фарзанднинг розилигини олиш бизга пайғамбаримиздан қолган суннат. Ҳозирги кунда ҳам кўпгина ёшларимиз совчи орқали турмуш қурадилар. Одатда совчи келиб кетгач, йигит билан қиз учраштирилади, иккаласи бир-бирини маъқул кўрсагина тўй бўлади. Жуда кўп ҳолларда бундай ёшлар ўртасида кейинчалик ҳақиқий муҳаббат шаклланади. Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» романида тасвирлаган Отабек билан Кумуш ўртасидаги севгини бунинг мумтоз намунаси деса бўлади.

Никоҳ ўз моҳиятига кўра ахлоқий ходиса. Унда эҳтирослар ахлоққа бўйсундирилади. Оддий бирга яшашда эса табиий эҳтиёжни қондириш биринчи ўринда туради. Никоҳда у иккинчи даражали мавқеъни эгаллайди. Оиланинг яна бир жиҳати унинг ўз мулкига эгаллиги. Агар никоҳ оиланинг ботиний кўриниши бўлса, оилавий мулкни унинг ташқи кўриниши дейиш мумкин. Оиланинг мавжуд бўлиши учун ишлаб топиладиган маблағ ҳам зарур. Оила учун топиладиган ана шу маблағ шубҳасиз ахлоқий табиатга эга: Оила бошлиғи оила аъзоларини ҳалол едириб ичириши, кийдириши лозим.

Оилани эркак киши бошқаради. У нафақат «топиб келади», балки оилавий мулкка хўжайинчилик қилиш уни тақсимлаш ҳуқуқига ҳам эга. Оилада боланинг ахамияти ниҳоятда катта. Ота болада ўз жуфти ҳалоллини, она эса севимли эрини кўради. Болада эр-хотиннинг муҳаббати предметлашади, жонланади. Бола – оилани тутиб турувчи жонли муҳаббат, болалар оилада умумий оилавий мулк ҳисобига еб-ичадилар, тарбия оладилар.

Оила бузилиши ҳам мумкин. Бунинг турли сабаблари бор. *Бири-оилани ахлоқий нуқтаи назардан бузилиши*. Бунда болалар балоғатга етгач, эркин шахс сифатида янги оила қуришга асос бўлишлари-ўғил болаларнинг ўйлантрилиши, қизларнинг турмушга чиқарилиши назарда тутилади. Шунингдек *оиланинг табиий бузилиши* ҳам мавжуд. Унда ота-онанинг вафоти туфайли оила мулкининг мерос бўлиб бир ёки бир неча фарзандга ўтиши муносабати билан оила бузилиши мумкин.

Бундан ташқари *никоҳ бекор қилиниши муносабати билан оила бузилади*. Аслида никоҳ ҳам диний, ҳам дунёвий нуқтаи назардан бузилмаслиги керак. Лекин ўртада хиёнат содир бўлиши ёки яна бошқа бир хил сабаблар туфайли никоҳни фақат ахлоқий обрўга эга, қонун билан тан олинган идоралар, масалан суд ва ваколатли руҳоний бекор қилиши мумкин, зеро у, айтганимиздек, ахлоқий ходиса. Ҳар бир жамият мана шу сўнгги турдаги оила бузилишига қарши курашади. Бундай оила бузилиши қанча камайса, у ўша жамият ахлоқий такомиллашиб бораётганлигини англатади.

Оила — муқаддас. Оила қуриш — ўта масъулиятли ишдир. «Оила — эскилик унсури эмас». У муқаддас, оилада миллат келажаги мужассам. Ёшларни тарбиялаш, камолотга етказиш, илм-хунар бериш, уйли-жойли қилиш — аксарият оилаларнинг энг олий мақсадидир. Ўзбекнинг ҳаётдан кўзлаган асл муддаоси — бола-чақали бўлиш, буларнинг тўйини, орзу-ҳавасини кўриш. Ёш авлодни ҳаётга йўллантриш, булар учун муайян бошланғич нуқта—старт позицияси яратиб беришга нисбатан муносабат турли миллатларда турличадир. Айрим халқлар менталитетида фарзандлар вояга етгач, оиласи, ота-онасини ташлаб, фақат ўз кучи билан мустақил оёққа туриш учун уйини тарк этади. Ўзи ҳам оила қуриб, фарзанд кўриб, уни катта қилганда, у ҳам авлодлар ворислигига чек қўйиб, оиласини тарк этади.

Ўзбекларда ёшлар учун жуда юқори старт позицияси яратилиб, ҳаётга йўллантрилади. Уйланаётган йигитга камида 1-2 хонали уй, турмушга чиқаётган қизга мебел жиҳозлари ва уй анжомлари тақдим этилади. Икки

ёш фарзандли бўлгач, ўз навбатида, эстафетани қабул қилиб, кейинги авлодни ҳаётга тайёрлай бошлайди. Ушбу миллий қадрият оилавий муносабатларда ҳам вужудга келиши мумкин бўлган бегоналашув жараёнини бартараф этади, авлодлар ворислиги учун замин яратади. Айни пайтда, бу қадрият, ёшлардаги боқимандалик, беғамлик, ўз ҳаёти учун масъулиятни фақат катталарга топшириб қўйиш каби иллатларни инкор этади, ўз келажагини ўз қўли билан яратишга иштиёқни рағбатлантиради. Аҳил оилаларда аксарият масалалар ўзаро фикр алмашув, маслаҳат ва кенгаш орқали ҳал этилади. Эр-хотин, қайнона-келин, ака-укалар орасида содир бўладиган баъзи ихтилофлар маҳалла ва қариндош-уруғлар воситачилигида бартараф этилади.

ОДОБ-АХЛОҚ ТАРБИЯСИДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ

Маҳалла ўзбек жамиятидаги анъанавий демократиянинг энг асосий институти, ўзбек жамоатчилигининг энг юқори нуқтаси бўлиб келган. Мовароуннаҳр уюшмалари маҳалла номи билан минг йиллардан буён мавжуд. Маҳаллий жамоаларни, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ташкил этишнинг бу шакли асрлар оша яшаб келмоқда, у ўзбеклар тарихининг энг кескин бурилиш нуқталарида ҳам сақланиб қолган.

“Азалдан ўзбек маҳаллалари – деб таъкидлайди И.А.Каримов, - чинакам миллий қадриятлар ва тарбия маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим–есирларни бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар, авваламбор, маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган”¹. Биргина Тошкентда 1865 йилдаёқ 140 та маҳалла бўлиб, уларда 76 мингдан ортиқ одамлар яшаган. Ўтган

¹ Ислом Каримов. Юсак маънавият енгилмас куч. Тошкент “Маънавият” 2008 йил 58-бет.

асрнинг йигирманчи йилларида Тошкентдаги маҳаллалар сони 280 тагача етган. Ҳозир улар 500 тадан ортиқ.

Маҳалла унда яшайдиган одамларни бирлаштирган. Маҳаллалар фақат худудий жиҳатдан шаҳар ячейкаси бўлиб қолмасдан, шу билан бирга, маъмурий бирлик ҳам бўлган. Шаҳар маъмурлари маҳаллаларда уларнинг оқсоқоллари орқали иш юритган. Аҳолисининг таркиби жиҳатидан маҳаллалар бир хил бўлмаган. Бир маҳаллада бойлар билан камбағаллар, аслзодалар билан оддий халқ, “хўжалар” билан “қорача”лар ҳам ёнма-ён яшайверган.

Маҳалла аҳолиси таркибан ҳар қанча хилма-хил бўлмасин, синфий тенгсизликка, касбий уюшиш йўқлигига қарамай шахсий алоқалар, муштарак манфаатлар ва мажбуриятлар, умумий ишларда иштирок этиш орқали маҳалла жамоасига бирлашган. Маҳалла жамоасининг жамоа бўлиб яшаш тарзи ўзини-ўзи бошқариш тизимини келтириб чиқарган ². Маҳаллага сайлаб қўйилган оқсоқол бошчилик қилган. Р.Г.Де Клавихо (Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканд в 1403-1405 гг), Садриддин Айний (“Дохундо” романи, “Эсталиклар” бадиий-автобиографик китобида)нинг таъкидлашича, нолийиқ одамларни сайлаб қўйиш жамоага кўп ноқулайликлар ва кўнгилсизликлар келтиришни яхши тушунган аҳоли оқсоқол ва унинг ёрдамчиларини сайлашга ҳамма замонларда ҳам жуда жиддий қараган. Оқсоқол шаҳар маъмурлари олдида маҳалланинг расмий вакили бўлган, шу сабабли оқсоқоллар улар томонидан тасдиқланиши керак бўлган.

Оқсоқол маъмурлар ва бошқа жамоа олдида жамоа вакили тариқасида иш кўрган. Жамоа аъзолари орасида бирон жанжал чиққудай бўлса, уни судга олиб бормасдан, уларни келиштириш, яраштиришга ҳаракат қилинган. Агар жамоа аъзосининг иши судга тушса, мумкин қадар бу ишни бартараф қилиши, керак бўлса жамоа аъзосини мушкул аҳволдан қутқариш учун пул топиши лозим бўлган. Оқсоқолнинг муҳим вазифаларидан бири жамоат ишларини уюштириш бўлган.

² Қаранг. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Ист. Очерк, вып. 6, Ташкент, 1912, с.121

Маҳаллаларда аҳолини бир-бири билан жипслаштирган нарса жуда кўп хил иш-юмушларда кенг қўлланилиб келган ёрдам - ҳашар шакли бўлган. Ариқ ва ҳовузларни тозалаш, масжид солиш ва тузатиш сингари жамоа ишларини бажаришда ҳам, жамоа аъзосининг ўз шахсий хўжалигидаги баъзи бир ишларга қарашиб юборишларида ҳам ҳашар усули қўлланилган. Бундай ҳашарда қавм-қариндошлар, яқин ёру-биродар, қўшнилар қатнашган. Ҳашарларга бевосита ҳашар иши билан банд бўладиган эркакларгина эмас, аёллар ҳам келиб, улар ҳашарга чақирган оила бекасига ҳашарчилар учун овқат тайёрлашга кўмаклашган, ёки бирон овқат пишириб, ё бўлмаса овқатликнинг хомини олиб келишган.

Аҳолининг ишлаб чиқариш меҳнатида, айниқса маиший ҳаётда жамоа муносабатлари катта рол ўйнаган бўлса, диний маросимларда жамоа муносабатларининг аҳамияти ундан ҳам катта бўларди. Маҳалла масжиди жамоа аъзоларининг мулки ҳисобланиб, у ҳақда бутун маҳалла аъзолари ғамхўрлик қилиши лозим эди. Масжид қуриш ва тузатишда ҳамма биргалашиб ишларди, тоат-ибодат қилинадиган, намоз ўқиладиган жойларга тўшаладиган гилам, намат, жойнамоз, маҳалла диний маросимлари ва тўйларида ишлатиладиган қозон, дастурхон ва бошқа идишлар билан маҳаллани таъминлашда ҳамма баробар ғамхўрлик кўрсатишган. Буларнинг ҳаммаси жамоа пулига сотиб олинар ва жамоанинг ҳар бири булардан фойдаланишга ҳаққи бўларди.

Чуқур тарихий илдизларга эга бўлган, ҳалқнинг кундалик ҳаётини ташкил этиб ва йўлга солиб турган маҳалла демократик пойдеворга асосланган мунтазам ахлоқ-одоб тизимини келтириб чиқарди. Булар даврлар синовига дош берган ўзаро ёрдам, меҳмондўстлик, кексаларга ҳурмат ва ҳамма жамоа аъзоларининг тенглилигидир. Маҳаллада яшайдиган биронта ҳам одам ўзини ёлғиз ҳис қилмаган, у ҳамма вақт хайрихоҳлик ва маънавий мададдан ташқари, зарур моддий ёрдамга ҳам умид қила олган. Маҳалла аъзолари ҳеч қачон ўз қўшнисини кулфатда ёлғизлатиб қўймаган. Маҳалладошлар ёрдам сўраб келган бирон зотни кулфатда қолдирмаган.

Бу ҳақда Леонид Левитин ҳайрат билан шундай ёзади: “Менинг бир дўстим бор эди. У асли европалик яҳудийлардан бўлиб, Тошкентда, эски шаҳарда ўзбеклар маҳалласида яшаган. У адвокат эди. Ўзбек тилини яхши билганидан кўпинча суд ишларида ўзбекларни ҳимоя қиларди. У ҳаётдан бевақт кўз юмди. Такдир экан, оиласи йўқ эди. Шунда биз, унинг бир нечта дўстлари дафн маросими ва у билан боғлиқ ҳамма ишларни ташкил қилишни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз деб ҳисоблагандик. Лекин бунга ҳеч қандай зарурат қолмаган экан. Уни ўзбек кўшнилари ўз қариндошларини қандай охириги манзилга кузатишса, худди шундай кузатишган”³.

Маҳаллаларда ўлим муносабати билан ўтказиладиган маърака маросимлари ҳамма вақт алоҳида ўрин тутган. Бундай маросимлар жуда мураккаб ва меҳнат талаб бўлганлиги сабабли бошқаларнинг ёрдамисиз, бир оиланинг ўзи томонидан бажо келтирилиши мумкин эмасди. Маҳалла аҳолисининг жамоа ишларига муносабати уларнинг дафн маросимларида қатнашишига қараб баҳоланган. Ўлганга ҳамма расм-русумларни, унинг ҳамма маъракаларни бажо келтириб маҳалладошлар олдида оиланинг ва ўлганнинг шаънига доғ туширмаслик оила учун жуда муҳим ҳисобланган.

Мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бормоқда. Шу билан бирга, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилмоқда, улар бугун ўзини ўзи бошқариш идораси, ҳақиқий демократия дарсхонаси, баркамол авлодни тарбия маскани сифатида кенг кўламли фаолият олиб бормоқда.

Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта “маҳалла” тушунчаси Конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилди. Маҳалла бошқарувида бундай катта эътибор бугун мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг халқчиллигидан далолат беради. 1-Президент И.А.Каримов таъбири билан айтганда, “биз маънавий ҳаётимизни, миллий онг ва қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни

³ Леонид Левитин. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Тошкент. “Ўзбекистон” 2001 йил. 181-бет.

асраб-авайлаш, маънавий оламимизни юксалтиришга уринар эканмиз, буларнинг барчаси маҳалла идорасига янада кўпроқ имконият бериш, унинг ҳуқуқий ва амалий ваколатларини кенгайтириш билан бевосита алоқадор эканини ўзимизга яхши тасаввур қиламиз. Шу орқали биз ўзимизнинг эзгу мақсадимиз бўлмиш эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида, ҳеч шубҳасиз, улкан қадам қўйган бўламиз”⁴.

Хулоса қилиб айтганда, *маҳалла* — ўз-ўзини бошқаришнинг ўзбек халқи яратган энг катта ютуғи, оқилона шаклидир. Маҳалла — тарбия маскани, ҳар бир оилага таянч ва суянч эканлиги кўпчиликка аён. Ўзбек халқининг ҳаёти, кундалик турмуши, кадриятлари билан танишган холис фикрли хорижликлар маҳаллани ноёб кадрият, буюк кашфиёт сифатида эътироф этмоқдалар.

Мамлакатимизда маҳаллалар бугунги кунда ўзларининг жуда катта потенциал имкониятларини сақлаб қолмоқда. Кўп асрлар аввал бўлганидек, бугун ҳам улар, шоир сўзлари билан айтганда, “тиллоларга баробар кўшничилик туйғуси ҳамда кўз ёшлари ва шодликларга зимдан шериклик ҳисси” сақланиб қолган маскандир.

⁴ Ислом Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент “Маънавият” 2008 йил 60-бет.